

ФРАНЦИЯ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТУВИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ЧЕКЛАШНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Қобулов Бекзод Шерали ўғли

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети мустақил изланувчиси

E-mail: b.kobulov@bk.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7858607>

Аннотация: Мақолада Романо-Герман ҳуқуқий оиласига сезиларли таъсирга эга бўлган Франция жиноят процессуал қонунчилигидаги одил судловни таъминлашга хизмат қилувчи шахс ҳуқуқларини чекловчи чоралар миллий қонунчиликка тадбиқ қилиш, шу орқали шахс ҳуқуқларини чеклаш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилувчи нормаларни тадбиқ этиш юзасидан аниқ таклифлар баён қилинган.

Калит сўзлар: Романо-Герман, суд полицияси, айблов, шахс ҳуқуқлари, суд.

Францияда жиноят-процессуал ҳуқуқни тавсифлашда ҳуқуқий нормалар бўйича марказий ўрин эгаллайди. Бу Рим ҳуқуқининг Жиноят-процессуал ҳуқуқининг асосий манбаи Романо-Герман ҳуқуқий оиласига сезиларли таъсири билан боғлиқ. Бундан ташқари, Франция жиноят процессини тартибга солувчи салмоқли “ваколатли қонунчилик” (ҳукумат томонидан қабул қилинган ва парламент томонидан тасдиқланган) билан боғлиқ норматив ҳужжатлар билан ажралиб туради.

Тартибга солиш манбалари орасида энг муҳими 1789 йилги “Инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисида”ги декларация, 1958 йилги Конституция, 1958 йилги Жиноят-процессуал кодекси (кўп ўзгартиш, ва қўшимчалар билан) ҳисобланади. Бундан ташқари, Францияда жиноят-процессуал қонунчилигининг энг муҳим манбаи Романо-Герман ҳуқуқ тизимидаги одат ҳисобланади.

Франция жиноят процессида жиний таъқиб қилиш функциясининг асосий ижрочилари прокуратура ва суд полицияси ҳисобланади.

Франциядаги прокуратура Адлия вазири раҳбарлигидаги марказлашган орган тизими ҳисобланади. Ҳар бир апелляция судида ва ҳакамлар ҳайъати судида давлат айбловини қўллаб-қувватлайдиган Бош прокурор ёрдамчилари мавжуд. Тузатиш ва полиция трибунал судларида Республика прокурори томонидан қўллаб-қувватланади. Прокуратура суд полициясининг процессуал раҳбари бўлиб, унинг фаолиятини назорат қилади.

Суд полицияси дастлабки терговнинг мустақил органи сифатида тан олинган, чунки у муҳим процессуал аҳамиятга эга бўлган полиция суриштирувини амалга оширади. Суд полициясининг функциялари асосан миллий ва шаҳар полицияси, шунингдек миллий жандармерия томонидан амалга оширилади. Суд полициясининг мансабдор шахслари уч тоифага бўлинади: 1) суд полицияси офицерлари, 2) суд полициясининг агентлари, 3) суд полициясининг айрим функцияларини бажариш учун қонун билан ваколат берилган мансабдор шахслар ва агентлар. Шунга қўра, тоифаларнинг ҳар бирининг процессуал ваколатлари фарқ қилади.

Францияда полиция суриштируви прокурор назорати остидаги полиция Комиссарлари, суд полицияси ходимлари ва агентлари, мерлар ва уларнинг

ёрдамчилари томонидан олиб борилади. Баъзи ҳолларда суриштирув дала қўриқчилари, ўрмон қўриқчилари ва бошқалар томонидан амалга оширилади.

Полиция суриштирувидан фарқли ўлароқ, дастлабки тергов кўпроқ тортишув шаклида амалга оширилади. Француз процессуалистлари дастлабки терговнинг қуйидаги хусусиятларини қайд этиб, унинг рақобатдошлигини таъкидлайдилар:

1) терговчининг процессуал позицияси (унинг суд тизимига тегишли) уни прокуратурадан мустақил қилади.

2) айблов томони (прокурор ва полиция) билан ҳимоя нуқтаи назаридан тенг ҳуқуқларга эга.

3) апелляция судида айблов камераси шаклида дастлабки тергов учун иккинчи инстанция мавжуд. Тортишув процедурасига мувофиқ, у айбланувчини судга олиб келади ва дастлабки терговнинг қонунийлиги ва асослилигини кўриб чиқади.

4) полиция фаолияти устидан қатъий суд назорати ўрнатилган ва унинг вазифалари аниқ белгиланган.

5) тергов қилинаётган шахс ҳибсга олинганда процессуал кафолатлар белгиланади .

Тергов судъси – бу республика Президенти томонидан уч йил муддатга тергов судъси лавозимига тайинланадиган иккинчи даражали суд (катта инстансия суди) таркибидаги судья ҳисобланади. Тергов судьяси адолат функциясини бажариши керак, бу еса тортишув жараёнида прокуратура ва ҳимоя функцияларидан ажратилиб туради. Тергов судьясининг процессуал позицияси унинг прокурордан мустақиллигининг ҳақиқий кафолатларини яратади. Шунга қарамай, прокурор дастлабки тергов давомида катта ваколатларга эга.

Жумладан:

1) дастлабки тергов фақат прокурорнинг талаби (жиной даъво) мавжуд бўлганда бошланиши мумкин;

2) суд терговчиси иш юритишни шахсан қўзғатиш ҳуқуқига эга эмас (ex officio), у прокурорнинг даъвоси доирасида ҳаракат қилади. Прокурор терговчига процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун унга рад этилиши мумкин бўлмаган илтимосномаларни тақдим келишга ҳақли. Шу билан бирга, суд терговчиси терговни ўтказишда мустақил, унинг фаолияти прокуратура хулосалари билан боғлиқ эмас ва тўпланган далиллар билан чекланмайди. У тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали далилларни ўзи тўплаш ҳуқуқига эга. Терговчи томонларнинг далилларини ҳисобга олган ҳолда енг муҳим процессуал қарорларни, шу жумладан ишнинг йўналиши, айбланувчига эҳтиёт чораларини қўллаш тўғрисида қарорларни мустақил ўзи қабул қилади.

Франция ЖПКсининг 78-1 ва 78-2-моддаларига мувофиқ мамлакат ҳудудида суд полицияси ходимлари ва агентлари томонидан жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни шахсий тинтувдан ўтказиш ва унга нисбатан бошқа мажбурлов чораларини қўллаш тўлиқ суд назоратида, унинг қарорига асосан амалга оширилиди.

Судья иш учун аҳамиятли деб топса ҳар қандай жойга бориши, бино иншоотларда тинтув ўтказиши мумкин. Бунда судья жой, бино жойлашган жойдаги прокурорни хабардор қилади, агар прокурор лозим топса тинтувда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳаракатни амалга ошириш чоғида судьяга котиб ҳамроҳлик қилади, барча ҳолатларни баённомада қайд этиб боради (92-модда). Тинтув ўтказиш давомида,

гумон қилинувчи тинтув жараёнида иштирок этади, агар у бўлмаганида тинтув унинг 2 нафар қариндошлари иштирокида ўтказилиши мумкин. (96-модда) Шунингдек, иш учун аҳамиятли мол-мулкни якуний қарор қабул қилингунига қадар тасарруф этилиши чеклаб қўйиши ва сақлаш учун шахснинг ўзига, агар сақлаш учун топшириладиган шахс аниқланмаса, мол-мулк давлат мулки агентлигига топширилади. Мазкур процессуал чора 2 ой муддатда амал қилади (99-2-модда).

Содир этилган жиноят учун қонунда 2 йилдан ортиқ озодликдан махрум қилиш жазоси тайинланган ишлар бўйича, тергов судъси телекоммуникация орқали амалга ошириладиган ёзишмаларни ушлаб туриш ва ёзиб олиш ҳақида қарор чиқариши мумкин. Бунда, қарор судья томонидан мустақил равишда чиқарилади. Ушбу ҳаракат 4 ой давомида амалга оширилиши мумкин (100-2-модда). Мазкур ҳаракат якунида тергов судъяси ёки у томонидан тайинланган суд полицияси ходими томонидан баённома расмийлаштирилади.

Парламент аъзолари ёки сенаторларнинг телефон линияларида тўсиқлар бўлиши мумкин эмас, агар ушбу ҳаракатлар амалга оширилган тақдирда ассамблея раисига хабар қилинади. Худди шунингдек, адвокатларининг телефон қўнғироқлари эшитилганида адвокатлар уюшмаси раҳбари хабардор қилинади (107-модда).

Шу билан бирга, шахсни мажбурий келтириш ва уни ҳибсда сақлаб туриш ҳақидаги ордерлар судья томонидан мустақил равишда қабул қилинади. Ва мазкур ордер асосида амалга оширилади (122-модда). 24 соат ичида сўроқ қилинмаган ушлаб турилган шахс ўзбошимчалик билан ушлаб турилган ҳисобланади (126-модда). Агар, шахс уланган жой қарор қабул қилинган муассасадан 200 км узоқликда бўлса, шахс 24 соат ичида у ушланган жойдаги судга олиб борилади (127-модда). Бироқ, шунга қарамасдан шахсни ушлаш учун масъул шахслар кечки соат 21:00дан эрталабки 06:00 қадар шахсларнинг турар жойларига киришлари мумкин эмас (134-модда). Шахсни ҳибсга олиш, уни муддатини узайтириш ва лавозимдан четлаштириш фақатгина суднинг қарорига асосан амалга оширалади (137-1-модда).

Бундан ташқари, агар суд лозим топса, қуйидаги мажбурлов чораларидан бирини танлаш ҳуқуқига эга:

1. Муайян белгиланган худудни тарк этмаслик;
2. Яшаш манзилини тарк этмаслик, агар тергов судъяси лозим топса қўшимча чекловларни белгилаши мумкин;
3. Муайян жойларга бормаслик ёки фақат тергов судъси томонидан белгиланган жойларга бориш;
4. Тергов судъси томонидан белгиланган чегаралардан ташқарида бўлган ҳар қандай ташрифлар тўғрисида хабардор қилиш;
5. Тергов судъси томонидан тайинланадиган хизматлар, ваколатли уюшмалар ёки органларга вақти-вақти билан ҳозир бўлиш, суд текшируви бориш ҳолатларини сир сақлаш;
6. Тергов судъяси томонидан тайинланган ҳар қандай ҳокимият, бирлашма ёки мансабдор шахснинг чақирувига жавоб бериш, сўралган маълумотларни тақдим қилиш, вазиятга қараб, унинг иши ёки савдоси билан боғлиқ назорат чоралари ёки ҳар қандай тавсифдаги дарсларга қатнашиши шунингдек, ўзини жамиятга қайта қўшилиши бўйича кўрилган чораларни қўллаб қувватлаган ҳолда, қайта ҳуқуққа

хилоф қилмишларни содир этишини олдини олишга қаратилган ижтимоий таълим чораларини риоя қилиш;

7. Шахсини тасдиқловчи барча ҳужжатларни ўзининг паспортини белгиланган тартибда судга топшириш;
8. Барча турдаги ёки айрим турдаги транспорт воситаларини бошқармаслик ёхуд хайдовчилик гувоҳномасини судга топшириш;
9. Судья томонидан белгиланган шахслар билан кўришиш, учрашиш ва ҳар қандай усулда улар билан алоқа қилмаслик;
10. Тиббий кўрикдан ўтиш, даволаниш учун тиббий муассасага жойлаштириш;
11. Терговга келишини таъминловчи пул маблағларини гаровга қўйиш. Пул миқдори шахснинг даромадидан келиб чиққан ҳолда суд томонидан белгиланади;
12. Муайян касбий ёки ижтимоий фаолият билан шуғулланмаслик, сайлов ҳуқуқи ва касаба уюшмалари мажбуриятлари бундан мустасно. Агар, адвокатга нисбатан бу каби чорани қўллаш лозим бўлганида судья қарорини ишни адвокатлар кенгашига юборади, кенгаш 15 кун муддат бу каби чорани қўллашни қўллаб қуватлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор чиқаради;
13. Пул маблағларини олишга хизмат қилувчи чекларни судга топшириш;
14. Ҳеч қандай қуролни ушлаб турмаслик ёки олиб юрмаслик ва агар керак бўлса, у ушлаб турган ҳар қандай қуролни суд идорасига топшириш;
15. Тергов судъси томонидан белгиланган суммага ва муддатга ҳақиқий ёки шахсий қимматли қоғозларни тақдим етиш;
16. Оила ва маиший техник хизматлар учун, субсидия ёки бадалларни учун тўловларни амалга оширилганилигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб юриш ва судга тақдим қилиш;

Суд томонидан қўиладиган мажбуриятлар айбланувчи томоннинг ўз адвокати иштирокида тузшан келишуви асосида қўлланиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Франция жиноят-процессуал қонунчилигидаги шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ айрим механизмларни миллий қонунчиликка тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хусусан, шахсларнинг мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмларин ияратиш ҳамда узоқ вақт давомида тасарруф этиш имкониятлари чекланишини олдини олиш мақсадида, мол-мулкни хатлаш процессуал ҳаракатини мажбурлов чоралари қаторига қўшиш, уни ўтказишга санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш, шахсини тасдиқловчи барча ҳужжатларни ўзининг паспортини белгиланган тартибда судга топшириш, барча турдаги ёки айрим турдаги транспорт воситаларини бошқармаслик ёхуд хайдовчилик гувоҳномасини судга топшириш, судья томонидан белгиланган шахслар билан кўришиш, учрашиш ва ҳар қандай усулда улар билан алоқа қилмаслик каби мажбурлов чораларини қўллашни миллий қонунчиликка тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

References:

1. Боботов С.В. Правосудие во Франции. М., 1994. С.131–132. УПК Франции имеет сложную структуру, включая в себя собственно закон, подзаконные акты, в том числе

ведомственные.

2. Давид Р. Основные правовые системы современности. М., 1988. С.129.
3. Решетников Ф. М. Правовые системы стран мира: Справочник. М., 1993. С.218. Кроме того, прокурор республики обладает всеми правами судебной полиции по ведению дознания очевидных преступлений (Ст. 68 УПК Франции)
4. Головки Л. В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. М., 1995. С.20–22.
5. Боботов С.В. Правосудие во Франции. М., 1994. С.148–151.
6. Франция Жинойт-процессуал кодекси.